



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 213 (10.266)

2004 ЙИЛ 2 НОЯБРЬ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1 ноябрь кун Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) амалдаги раисининг Марказий Осиё бўйича шахсий вакили Мартти Ахтисаарини қабул қилди.

Ўзбекистон ушбу ташкилот билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарайди. ЕХХТ билан ҳамкорликда қатор тadbирлар ўтказилаётгани ўзаро муносабатлар изчил ривожланиб бораётганидан далolatдир. Жумладан, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, наркотикларнинг ноқонуний савдоси муаммоларига бағишланган анжуманлар, чегара ва божхона хизмати ходимлари учун семинарлар ташкил этилди.

Ўзбекистон ва ЕХХТ ўзаро ҳамкорликда чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, қурол-яроғ савдосига қарши курашиш, террорчилик ва уни молиялаштиришнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Иқтисодий тараққиёт ва экология масалалари билан шуғулланиш ҳам ушбу ҳамкорликнинг асосий йўналишларини ташкил этади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда аҳолини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига кенгроқ жалб этишга қаратилган бир неча лойиҳа амалга оширилди.

Оқсаройдаги учрашувда ҳамкорлигининг бугунги аҳоли таҳлил этилиб, келгусида уни ҳар томонлама ривожлантиришга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

ЕХХТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўришо Мустафоев 1 ноябрь кун Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) амалдаги раисининг шахсий вакили Мартти Ахтисаари раҳбарлигидаги ЕХХТ делегацияси аъзолари билан учрашди.

Мамлакатимизда шу йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтажак сайловларга қизгин тайёргарлик қўрилаётгани таъкидланди. Икки палатали парламентнинг илк сайловига тайёргарлик доирасида Марказий сайлов комиссияси томонидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

М.Ахтисаари Ўзбекистонда бўлажак сайловларга ташкилий- молиявий жиҳатдан айнакча пухта тайёргарлик қўрилаётганини эътироф этди. Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни ериштириш учун оммавий ахборот воситаларига тегишли шарт-шароит яратилаётганини кўплаб-қувватлашини айтди. Бўлажак сайловларда ЕХХТ кузатувчилари миссиясига кўмаклашишга тайёрлиги учун Ўзбекистон томонига ўз миннатдорлигини изҳор қилди.

Мулоқот чоғида сайлов комиссиялари фаолияти, сайлов кампанияси жараёнларининг оммавий ахборот воситаларида ошқора ёритилиши, эркин ва демократик сайловлар ўтказишда сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ўрни ва аҳамиятига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 2004 йил 2 декабрь кун Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 1 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги қўйлаётган ижроси тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида.
3. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
4. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
5. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
6. «Халқ депутатлари маҳаллий

Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).

7. «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

8. «Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.

9. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

10. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

«Ижод-ижод» хусусий корхонасида сополдан тайёрланаётган қурилиш материаллари тарихий обидаларимизни таъмирлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

СУРАТДА: корхона устаси
Александра Серебрякова маҳсулот тайёрламоқда.

Ҳакимжон Солиҳов
олган сурат



ПОЙТАХТНИНГ Бир кун

Янгиликлар, воқеалар



- МОНОПОЛИЯДАН чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан шаҳримизда тadbиркорлар, иқтисодчилар иштирокида ую-

тирилган семинар маҳаллий хом ашёдан тайёрланган маҳсулотларини сотиш ва ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланди.

• **ТОШКЕНТ** молия институтини «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг Юнусов туман босқичи ўтказилди. Унда мактаблар, коллежлар ва корхона-ташкilotларнинг иқтидорли қизлари ўзаро беллашди.

• **АБУ Райхон Беруний** номидаги Тошкент Давлат техника университетига талабаларнинг «Туркистон» газетаси тахририяти ходимлари билан учрашув уюштирилди.

• **МИРОБОД** туман солиқ инспекциясида Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати —

Ўзбекистон-либерал демократик партиясининг туман Кенгаши вакиллари иштирокида жамият тараққиётида сиёсий партияларнинг аҳамиятига бағишланган тadbир бўлиб ўтди.

• **ХАЛҚ** таълим вазирлиги ташаббуси билан шаҳримизда ўрта мактаб ўқитувчилари иштирокида уюштирилган семинарда 2004-2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантиришнинг умумийлиги Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳусусида сўз борди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

XXI саҳоси

Барча маълумотлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• 2004-2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш дастурига мувофиқ бу йил Тошкент вилоятидаги 52 мактаб капитал таъмирдан чиқарилди.

• Самарқанд вино комбинатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Ялта шаҳрида ўтган халқаро кўргазмада юқори ўринга сазовор бўлди.

• «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида «Ватаним деб сени уйғондим» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Ўзбекистон ёзувчилар уюشمаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тadbирда таниқли адабиёт намояндalari, ёш ижодкорлар, талабалар иштирок этди.

• Хатирчи туманидаги Янгираб қўргонининг «Чинобод» маҳалласи, «Бўстон», «Довтепа» кишлоклари газлаштирилган масканлар қаторига қўшилди. Жумладан, жорий йилда туманда 25,4 километр масофага газ қувури тортилди.

• Футбол бўйича Тошкент вилояти чемпионатида Оққўрғон туманининг «Ақмал» жамоаси ғолиб чиқди.

• Фарғона вилоятининг Дaнғара туманидаги 40 та мактаб, 41 та мактабгача тарбия муассасаларини янги ўқув йилига ҳамда қишки мавсумга тайёрлашда ҳомийлар томонидан 20 миллион сўмликдан зиёд ёрдам кўрсатилди.

Жаҳонда

• Фаластин мухторияти раҳбари 75 ёшли Ёсир Арафот ўткир қон хасталигига чалинганлиги сабабли Йордания пойтахти Оммондан Франция пойтахти Парижга олиб келинди. Ҳозир у Париж атрофидаги ҳарбий госпиталда даволанмоқда.

• Камбоджа пойтахти Пномпень шаҳрида янги қирол Норodom Сиамонини тахтга ўтказиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу маросимдан сўнг бутун мамлакатда уч кунлик байрам бошланди.

• Козогистондаги Бойкўнгир космодромидан Россиянинг «экспресс» сунъий йўлдоши учирилди.

• АҚШнинг Ал-Букерки шаҳрида «Хаводаги озодлик» шiori остида хаво шарларининг халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда ўнлаб мамлакатлардан келган иштирокчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Иқтисодиёт

ЯНГИ
ИДИШЛАРДА
ҚАДОҚЛАН-
МОҚДА

Излаган имкон топади, иборасини «Ороу ош тузи» шўба корхонаси тадбиркорлари жуда яхши билишади. Негаки улар фаолиятларини шу асосда ташкил этишган.

Корхонада маҳаллий хом ашёдан кундалик турмушимизда ниҳоятда асқотадиган, таомларимизга маза киритадиган туз маҳсулотининг сифатли турларини ишлаб чиқаришга эътибор қаратилган. Замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган олий, биринчи ва иккинчи навли туз маҳсулотининг йодланиш даражаси ҳамда сақланиш муддати ортиб бормоқда. Аввалига маҳсулотнинг сақланиш муддати 3 ойни ташкил этган бўлса, жорий йилдан бир йиллик қафолат муддати билан чиқарилмоқда.

— Маҳсулотимизнинг намлик даражасини камайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратаёلمиз, — дейди корхона директори Абдурахим Мирахмат. — Келгусида эса бунинг учун махсус куриштиш ускунаси келтириб ўрнатишни режалаштириб, ишлаб чиқарилаётган тузларимизни сифати ва қадоқланиши билан икки бозорда ўз ўрнини топиб бормоқда. Лекин биз маҳсулотимизни қўшни давлатларга ҳам экспорт қилишни режалашганимиз.

Яқин келажада тадбиркорларнинг эзгу ниятлари амалга ошса ажаб эмас. Негаки улар қадоқланишнинг янги турини ўзлаштириб, олий навли туз маҳсулотини 750 граммлик ҳажмдаги пластмасса идишларда ишлаб чиқаришмоқда. Ушбу усулда қадоқланган ош тузи ишлатишга қулайлиги, сифати, сақланиши ва тўқилиш кетмаслиги билан ажралиб туради. Унга ҳозирда буюртмачилар сони ортиб бормоқда.

ЗАМОНАВИЙ
ДАСТГОХЛАР
АСОСИДА

Ширинликлар ҳамиша дастурхонимиз беағи бўлиб келган ва уларни нафақат болажонларимиз, балки катталар ҳам севиб тановул қилишади.

Ана шундай харидорга манзур бўладиган қандалот маҳсулотларини тайёрлашда эса пойтахтимиздаги «Зебунисо она» хусусий корхонаси жамоаси ҳамиша изланиш билан иш юритмоқда. Шу боис бўлса керак 1998 йилда ўз фаолиятини 3 турдаги карамель конфетлари ишлаб чиқаришдан бошлаган корхонанинг маҳсулотлари хили бугунги кунда 60 дан ортиб кетди. Энг асосийси эса улар кейинги йилларда цехларга ўрнатилган Россия давлатининг замонавий дастгоҳлари асосида жажон андозалари даражасидаги қандалот маҳсулотлари тайёрлашга интилишмоқда.

— 90 фоиз маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган қандалот маҳсулотларимизнинг сифатига катта эътибор бериш баробарида, — дейди корхона маркетинг хизмати бошлиғи Фахриддин Холмухамедов, — қадоқланишига эътибор қаратаёلمиз. Бунда асосан бозорини ўрганиш, харидор талабидан келиб чиқиб яхши самара беради.

Жорий йилда корхонада 6 турдаги янги маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилиб, улар пойтахтимиз савдо шохбачаларида харидорларга етказиб берилмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ
УЧУН ДАВРА СУҲБАТИ

Тошкентдаги Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида АҚШ Миллий демократик институти билан ҳамкорликда сиёсий партиялар етакчи ва фаоллари учун сайловолди кампанияси мониторингини бўйича устувор йўналишларни белгилаш масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Юртимиздаги мавжуд бешта сиёсий партия вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида АҚШ Миллий демократик институтининг Вашингтондаги бош ваколатхонаси катта маслаҳатчиси П. Нюберг хоним иштирок этди. П. Нюберг хоним йигирма беш йил давомида инсон ҳуқуқлари соҳасида, шунингдек бошқарув, тараққиёт ва демократия масалалари бўйича илмий тадқиқотлар, изланишлар олиб бораётган мутахассис ҳисобланади.

— Одатда бизнинг мутахассис ва экспертларимиз ваколатхонамиз фаолият кўрсатаётган ва айти пайтда сайловлар ўтказилиши режалаштирилаётган мамлакатларда бўлиб, сайлов кампанияларининг бориши билан қизиқишади, — деди П. Нюберг хоним «Туркистон-пресс» мухбирига. — Шунингдек, улар мазкур давлатларда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар вакиллари билан мулоқотлар ўтказишади. Бундан икки ярим йил олдин юртингизга ташриф буюрганимда, бу ерда икки палатали парламент сайловига тайёргарлик бошлангич жараёнда эканлигига гувоҳ бўлганим. Ушанда ҳам мен партия вакиллари билан учрашиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиққандим. Яхши биласиз, ҳар бир мамлакатда сиёсий партиялар, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг фаол иш юритиши, сайловолди кампанияси

жараёнида аҳоли ўртасида олиб бориладиган тараққиёт-ташвиқот ишлари сайловларнинг белгиланган қонун-қоидаларига асосан ўтишида муҳим ўрин эгаллайди. Бу жараёнда, айниқса, сиёсий партияларга кўп нарсга боғлиқ. Улар томонидан аҳоли ўртасида ўтказиладиган талбирлар, учрашувлар туфайли фуқароларнинг сиёсий билими ошади, уларда сайлов ҳақида тўғри тушунча шаклланади.

Мулоқот чоғида П. Нюберг хоним юртимизда кечаётган сайлов кампанияси жараёни, партияларнинг сайловолди ҳаракат дастурлари, улар олдида турган муаммолар қизиқтиришини алоҳида таъкидлади. Учрашувда иштирок этган барча партия вакиллари шу йўналишда олиб бораётган ишлари, ўз фаолиятлари ҳақида маълумот беришди. Улар сайловолди кампанияси жараёнида берилган имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда парламентдан кўпроқ ўрин эгаллашга ва шу орқали ўз ҳаракат дастурларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ҳаракат қилишгаётганини маълум қилишди. Шунингдек, демократик давлатни барпо этишда миллий хусусиятлар, анъаналар ва урф-одатлардан келиб чиққан ҳолда иш олиб борилиши лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Инобат ЭГАМКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

26

декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов кун

НОМЗОДЛАР
КЎРСАТИЛДИ

Ўзбекистон «Миллий тикла-ниш» демократик партияси-нинг навбатдаги қурултойи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 230 нафар делегат иштирок этди.

Қурултойни партия марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмухамедов очди. Ҳозир мазкур партия ўз сафига эллик минг нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган. Уларнинг эллик икки фоизи хотин-қизлардан иборат.

Партия марказий кенгаши аъзоларининг янги таркиби сайланди ва Сайловолди ҳаракат дастури тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 26 декабрда бўлажак сайловда иштирок этиш учун депутатликка номзодлар кўрсатилди.

ПАРТИЯ
ҚУРУЛТОЙИ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг қурултойи бўлиб ўтди. Унда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотларидан сайланган 170 нафарга яқин делегат қатнашди.

Қурултойни партия сиёсий кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминов очди. Бугунги кунда партиянинг 51 минг нафардан зиёд аъзоси бор.

Партия мамлакатимиз парламенти ва халқ депутатлари вилоят, шаҳар ҳамда туман Кенгашларида кўпроқ ўрин олиш учун ҳаракат қилмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишда партия фаоллари ҳам ўз хиссасини қўшмоқдалар.

Қурултойда партиянинг Сайловолди дастури тасдиқланди, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

ЎЗА

30-31 октябрь кунлари Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз шаҳрида кураш бўйича ёшлар ўртасида III жаҳон биринчилиги, белбоқ кураши бўйича биринчи жаҳон чемпионати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Амир Темур хотирасига бағишланган IV халқаро турнир бўлиб ўтди.

ШАҲРИ КЕШДА
КУРАШ БАЙРАМИ

Уни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Кураш халқаро ассоциацияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этди.

Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга, ёшларни жисмоний тарбия ҳамда спортга жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда ва унинг самараси ўлароқ Ўзбекистон спортни доверги дунёга ёйилмоқда.

Ўзбек кураши ўз жозибаси, жўмардчилиги, тангиллиги, ҳалоллиги билан оламгир тобора кенг шухрат қозонмоқда. Қўнча Кешда ўтган кураш байрамнинг очилиш тантаналарида сўзга чиққанлар бунни алоҳида таъкидладилар.

Мусобақаларда беш кўтанинг қирққа яқин давлатидан келган юздан зиёд полвон ғолиблик учун бел олишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Амир Темур хотирасига бағишлаб ўтказилган кураш бўйича IV халқаро турнир айниқса кизгин ва мurosасиз кечди. Бу бежиз эмас, албатта. Бугун дунёдаги кўлаб мамлакатларда кураш федерациялари ташкил этилган. Ўзбек курашининг ўзига хос жиҳатлари билан қизиқатган, уни ўз юртида оммалаштиришга интилаётган мамлакатлар тобора кўпаймоқда. Бахсларда Эрон, Туркия, Афғонистон, Бразилия, Польша, Мугулистон, Туркменистон ва Тожикистондан келган полвонларнинг бош совринга даъвогарлик қилгани ҳам бунни исботлайди. Ўзбек полвонлари ҳам мамлака-

тимиз Президенти совринини кўлга киритишдан ноумид эмасди. Мусобақаларни ўн беш нафар халқаро тоифадаги ҳакам кузатиб борди.

Ҳамюртимиз, кураш бўйича Осиё чемпиони Абдулла Тангриев барча рақиблари курагини ерга текказиб, Президент соврини — ўн минг АҚШ долларини кўлга киритди. Иккинчи ўрин бразилиялик Карлос Хоноратога, учинчи ўрин ўзбек полвони Рамзиддин Саидов ва эронлик Нежад Хусравийга насиб этди.

Кураш бўйича ёшлар ўртасида III жаҳон биринчилигининг саралаш бахсларида беш вазн тоифасида йигитлар ва турт вазнда қизлар гиламга чиқдилар. Ҳамюртларимиз Шухрат Ражабов, Хуршид Набиев, Алишер Курёзов, Румия Шайхудинова, Дилшода Хазратова ва олтин медални кўлга киритди. Шунингдек, хорижий полвонлардан грециялик Ревас Зинтиридис ва Терел Зинтиридис, қизлардан мугулистонлик Мунхбатар Бундмаа ҳамда туркиялик Гулшан Кучатур шохсупанинг юқори погонасидан жой олди.

Белбоқ кураши бўйича ўтган биринчи жаҳон чемпионати мусобақаларида ҳамюртимиз Дилмурод Рўзиевнинг қўли баланд келди.

Афғонистонлик Мухаммад Юсуф Рашидийга — иккинчи, мугулистонлик Золбаер Батжаргага эса учинчи ўрин насиб этди.

Тадбирларда Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизқўжаев иштирок этди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
ЎЗА мухбири.ЖАҲОН ШАҲМАТ
ОЛИМПИАДАСИ
ЯКУНЛАНДИ

14-31 октябрь кунлари Испаниянинг Калвия шаҳрида ташкил этилган шахмат бўйича XXXVI жаҳон шахмат олимпиадаси яқунланди.

Турнирнинг эркаклар ўртасидаги беллашувларида 129 давлат терма жамоаси иштирок этган бўлса, аёллар баҳсида саксон етти мамлакат вакиллари ғолиблик учун донна сурди.

Яқуний, ўн тўртинчи турда Ўзбекистон терма жамоаси швейцариялик шахматчиларга қарши донна сурди. Гарчи тажрибали шахматчимиз Сайдали Йўлдошев рақибига имкониятни бой бериб қўйган бўлса-да, қолган уч партияда ўзбекистонлик шахматчилар швейцарияликлардан очко олишга эришди. Алексей Барсов ҳамда Владимир Егин рақиблари билан очкони бўлишиб олган бўлса, иктидорли гроссмейстеримиз Темур Гареев тажрибали Йенни Флорианни мағлубиятга учратди. Ўзбекистон — Швейцария баҳслари 2:2 ҳисобида яқунланди.

Аёллар ўртасидаги беллашувларда ўзбекистонлик шахматчи қизлар олимпиадани чиройли ғалаба билан яқунлади. Ольга Собирова, Анжела Хегай ҳамда Юлдуз Ҳамроқулованинг ишончли ўйини терма жамоамизнинг Эквадор устидан 3:0 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Яқунланган жаҳон шахмат олимпиадаси Тоҳир Воҳидов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси учун анча муваффақиятли бўлди. Эркаклар терма жамоаси асосан ёш, иктидорли шахматчилардан тузилган эди. Айниқса, Темур Гареев ҳамда Антон Фи-

липпов бутун олимпиада давомида тажрибали шахматчилар билан тенгма-тенг ўйнаб, уларнинг аксариятини енгди. Темур Гареев терма жамоамизга энг кўп — саккиз очко келтирди. У ўн бир партиядан олтитасини ўз фойдасига хал қилди, тўрт марта дуранг ўйнади, фақат биргина учрашувда рақибидан очко ололмади. Антон Филиппов ҳам ишончли тўла оқлади. У олти учрашувда ғалаба қозониб, бир марта дурангга эришди.

Олимпиада чоғида мухлисус мутахассислар амалдаги жаҳон чемпиони Рустам Қосимоновнинг ўйинини алоҳида иштиёқ билан кузатди. Гарчи Рустам атиги саккиз партия ўйин ўтказган бўлса-да, терма жамоамиз аъзолари орасида мағлубиятга учрамаган ягона шахматчи бўлди. Жаҳон чемпиони тўрт беллашувда ғалаба қозongan бўлса, яна шунчасида дурангга эришди.

Ўзбекистон терма жамоаси 32 очко билан 129 мамлакат терма жамоаси орасида ўн тўртинчи ўринни, МДХ вакиллари орасида тўртинчи ўринни эгаллади. Осиё мамлакатлари орасида эса фақат ҳиндистонликлар биздан олдинда турибди.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Мажлис

ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

Яқинда Тошкент Автономия йўллари институтида «Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўллар комплексини ривожлантириш истиқболлари» мавзюда илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзавтосаноат» давлат уюшмаси, «Ўзавтоўл» давлат акциядорлик компанияси, «Тошшаҳарйўловчтранс» акциядорлик компанияси ва Тошкент автомобиль йўллари институти ҳамкорликда ташкил этишди.

— Ушбу анжумани ўтказишдан мақсад, — дейди институтининг маънавият ва маърифат йўналиши бўйича проректори Дағар Расулов, — автомобиль йўл соҳасидаги олим ва мутахассислар, ҳамда ёш кадрларни тайёрлаш, уларга ғамхўрлик қилиш, тажрибасини ошириш, машинасозлик, йўл ҳўжалиги, автомобилларни эксплуатация қилиш ва уларни таъмирлаш борасидаги муваффақиятлар билан уларни таништиришдан иборат.

Анжуманда институт ректори С. Қодиров, «Мерседес-Бенц» сервис маркази бош муҳандиси А. Мирғиёсов, «Транкасб» уюшмасининг бош директори А. Дадаҳўжаев ва бошқалар автомобилларни эксплуатация қилиш ва уларни таъмирлаш бўлими раҳбарлари, таъмирлашнинг долзарб муаммолари ҳусусида батафсил тўхталиб ўтдилар.

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида ёш шоир Ғолибжон Абдусаломов ижодига бағишланган «Онажоним шеърят» деб номланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

Тадбирни очар экан, шоир Эркин Самандар ўзининг дил сўзларини билдирди ва янги шеърларидан ўқиб берди. Институт профессори Абдухалил Маврулов ҳам ёш шоирга ижодий баркамоллик ва омад тилади. Шундан сўнг талабалар ижросида дираббо куй ва қўшиқлар, дилбар рақслар ҳамонахлиқда янгради.

Шоира Зулфия Муминова ва Ғолибжон Абдусаломов ўқиган шеърлар кечага кўтаринки кайфият бағишлади.

Гулчехра ДҮРДИЕВА

Сангай

САРА АСАРЛАРИ ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми Нигмат Қўзибоевнинг ретроспектив кўргазмаси расмнинг 75 йиллик таваллуди муносабати билан ўтказилмоқда.

Нигмат Қўзибоевнинг сара асарлари аллақачон мамлакатимиз маданий ҳазинасидан ўрин олган. Мусаввир республика ва чет элларда ўтказилган кўргазмаларда мунтаза иштирок этиб келади. Рассомнинг полотнолари Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида, шунингдек, шахсий тўпламларда сақланади.

Кўргазмада мусаввирнинг сара-малари ижодий изланишларидан дарак берувчи этюдлар, хомаки чизма тасвирлар, тарихий композициялари намойиш этилиб, уларда рассомнинг бир неча ўн йиллар давомидаги ижодий йўли акс этган.

Гулором ШОКИРОВА



Мажлис

ОҚИЛАЮ ДОНО ҚИЗЛАР БЕЛЛАШДИ

Илм-фанни севар қизлар, Бир-биридан чевар қизлар, Ҳар бири бир меҳвар қизлар, Зулфияхоним қизлари.

Айни кунларда шаҳримизда сеvimли шоирамиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни аниқлаш мақсадида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг туманлар бўйича саралаш босқичи давом этмоқда.

қизлар ичидан етти нафари — Ойдин Ҳақназарова (адабиёт), Латофат Қодирхонова (санъат), Наргиза Маъкулова (санъат), Умида Тулаганова (санъат), Марзия Хайитова (маданият), Қундуз Исмаилова (санъат), Фариди Бобожонова (таълим)лар «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг ғолибалари деб топилдилар. Тадбир сўнггида танлов қатнашчиларига ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди. Эндиликда қиз-

лар Зулфия номидаги Давлат мукофотида ўтказилаётган танловнинг шаҳар босқичида иштирок этадилар.

— Мамлакатимизда Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб қизлар ҳар йили кўпайиб бормоқда, — дейди ҳайъат раиси, фалсафа фанлари доктори Хотима Шайхова. — Ушбу танловда бешта йўналишнинг кўп қирралари бўйича қизлар иштирок этиб ўз истеъдодларини, қобилиятларини

намоён этишмоқда. Бугунги танловда ҳам, айниқса даянаер қизимизнинг қобилиятини, иқтидорини кўриб жуда хурсанд бўлдик. Ҳозирда қизларимиз орасида даянаерлик соҳасида ижод қилаётган ёшларнинг ортиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир. Бу, албатта, маданиятимиз, маънавиятимиз ва санъатимиз ютуғидир. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, келгусида қизларимиз орасидан таълим ва фан йўналишидаги кўпгина истеъдод эгаларини топиш, уларни Зулфия номидаги Давлат мукофотида тавсия этиш лозим деб ўйлайман.

Фахр этар Ўзбекистон Ватан сизла гўзал бўстон, Иншо айлар шоир дoston, Зулфияхоним қизлари: Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



Мажлис

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Шаҳримизда «Мактаб ёшидаги болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, педиатрия илмий-текшириш институти ҳамда Республика «Қамолот» ЕИХ Марказий Кенгаши ҳамкорликда ўтказдилар. Унда Халқ таълими вазирлиги педагогик-психологик Республика ташхис маркази, эндокринология илмий-текшириш институти, 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти профессор ва ўқитувчилари, тажрибали ходимлари иштирок этдилар.

Кечада мактаб ўқувчиларига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш йўллари, тиббий кўрикдан ўтказиш муаммолари, ўткир респиратор касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, болалар стоматологиясининг долзарб муаммолари, мактаб ёшидаги болаларнинг жинсий ривожланиш хусусиятлари, рационал овқатлантириш асослари ва муаммолари, офтальмология муаммолари, мактабларда жисмоний тарбия ва спорт билан шўғулланиш масалалари ҳусусида мунозаралар бўлди, қизиқarli фикр-мулоҳазалар, ўринли таклифлар билдирилди.

(Ўз мухбиримиз)

Пойтахтдаги «Radisson» меҳмонхонасида «Ўзбекистон Республикасида ювенал адлия тизимини бошқаришда болаларга дўстона муносабатда бўлиш мақсадларига эришиш йўлида» мавзюда ювенал адлия бўйича учинчи анжуман бўлиб ўтди. Тадбир ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан уюштирилди.

ДОЛЗАРБ АНЖУМАН

Анжуманда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, турли вазирликлар, идоралар, халқро ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Уни ўтказишдан кўзланган мақсад анжуман иштирокчилари ишини фаоллаштириш, келгусида тегишли ташкилотлар ва институтларнинг бу борадаги ишларини мувофиқлаштириш учун ювенал адлия масалаларида уларга кўмаклашишдан иборат.

Таъкидланганидек, ҳар томонлама ривожланган ёш авлоднинг тарбиялаш ва бунинг учун зарур шароитларни яратиш тўғрисида ғамхўрлик Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция республикамиз мустақилликка эришгач қўшилган биринчи халқро ҳужжатлардан саналади. Болалар манфаатларини таъминлаш, уларни соғломлаштириш ва баркамол тарбиялаш, шу жумладан

уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ювенал адлияни такомиллаштиришга доир ишлар олиб боришмоқда.

Президент Ислам Каримов демократик қурилишда суд ва ҳуқуқий ислохотлар аҳамияти, ювенал адлиянинг қўлланishi соҳасига бир неча бор эътибор қаратган. Мамлакатда жинсий ҳуқуқни эркинлаштириш чоралари кўрилди, вояга етмаганлар билан ишлашни кучайтириш, улар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган қатор ҳуқуқат қорорлари амалга оширилмоқда.

Бунинг учун масъул давлат ва жамоат ташкилотлари фаолияти мувофиқлаштириб боришмоқда. Тегишли қонунчиликни халқро меъёрларга янада уйғунлаштириш жараёни давом этмоқда.

Анжуманда амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Яна шу нарса аёнки, эзгуликнинг мухташам обидаси меҳр тафти билан зийнатланади. Бунинг ой билан кундай равшан ҳикматларидан бири — ўзидан боғроғ, оқила фарзандлар, меҳрга йўрилган оқибат қолдириб кетган одамларнинг авлодлар томонидан фахр, миннатдорчилик туйғулари билан хотирланиши ҳам аслида меҳру муҳаббатнинг мислсиз кудратидандир.

Меҳр бу — инсоннинг ётмиш икки томиридан мисоли айқирган тўлқиндек кўпириб турган одамийлик илми.

Меҳр бу — инсонни ўн саккиз минг оламнинг сара тождори сифатида ардоқламоқ демакдир.

Шу маънода меҳр — инсонни инсонга дўст қиладиган, ўзаро яқинлик, меҳрибонлик ришталарини боғлайдиган кўприк ҳамдир.

Мурувват-чи?! Мурувват меҳрнинг, инсонпарварликнинг бироз моддий кўриниши, холос. Мурувватни меҳрдан айро тасаввур этиб бўлмайди. Улар бир бутуннинг икки бўлаги. Шу боисдан калби дарё одамлар кимгадир қилаётган меҳру муҳаббатини моддий нарсаларни инъом этиш билан изоҳлайди. Аслан олганда сиз-у биз қилаётган хайру саховатда, муҳтожларга қилинган ёрдамларда ана шу ҳикматнинг моҳияти муҳассам эмасми?!

Аммо кундан-кунга ота-боболаримиз эъозлаган қадриятлардан узоқлашганимиз сайин Меҳр ва мурувват ҳақда билганларимиз, унга амал қилганларимизга чангу губор тушмаяптими?!

...Яқин биродаримизниқанда ўтирибмиз. Телевизор экранда жохиллиқни, зўравонлиқни тарғиб этадиган «даҳшатли фильм» намойиш этилмоқда.

— Дада, қаранг, ҳозир Жеймс Бонд уларни битта-битта қириб ташлайди, — дейди хали беш ёшга ҳам тўлмаган норасида гўдак.

Менинг эса этим жунжиқади. Инсон онгининг тилсимланган сирхоналарида кўздан пана бўлган ибтидоий инстинктларни замонавий алфозда пардалаб, ҳаспўшлаш асосида экранга олиб чиққан фильм ижодкорларининг «мўъжиза»ларига «тасанно»лар айтгим келади... Ота-бола мезбонларга қарайман... Улар ҳамон Жеймс Бонднинг «кахрамонлик»ларидан хайратларга чулғаниб ўтиришади. Кўзларида совуқ бир ифода. Бу нима?! Наҳотки, меҳр-шафқат, ўзи-

нинг азалий бандаргоҳидан шунчалик йироқлашиб бораётган бўлса?! Наҳотки, меҳр ўзанида тоза, зилол сув эмас, унинг ўрнида лойқа бўтаналар оқса-ю, инсониятни муқаррар ҳалокат ёқасига олиб борадиган хавф-хатар эшик қоқиб турганида биз ИНСОНлар

сининг ҳузурига келиб дебди:

— Онаҳон, мен ҳам худди акам Хотам Той сингари хайрли, саховатли, мурувватли бўлсам: шунга изн берсангиз...

Она ўғилнинг бу тариқа савол-илтижосида бироз таажжубга тушса-да, рози бўлибди:

— Майли ўғлим, — дебди у, — Аканг Хотам Той каби саховат, мурувват камарини боғлашга шаҳд қилибсан. қаршилигим йўқ. Худонинг ўзи сенга йўл берсин...

Орадан бироз фурсат ўтибди. Хотам Тойнинг укаси уйда етим-есирларга бериладиган хайру садақаларга кетадиган харажатларнинг ҳисоб-китобини қилиб ўтирарди: —

— Ким у?

— Ғарибларга садақа беринг!

У эшикни онганида очликдан силласи қуриган, нотаовонгина кампир турарди. Хо-надон соҳиби унинг кўлига бир динор тут-қазибди-ю эшикни қулфлабди. Яна кўп ўтмай эшик зулфи шарақлабди.

— Ким у бемаҳалда юрган?

— Ғарибларга садақа беринг!

Хотам Тойнинг укаси эшикни очса, яна ўша кампир. У яна бир динор тутқазибди...

Бу ҳолат беш-олти марта такрорлангач, саховатни ихтиёр этган ўғилнинг тоқати тоқ бўлиб, бақира кетибди:

— Бўлди-да, энди. Инсоф билан-да кампир. Бир марта сўра, икки марта сўра...

Шунда ўша нотаовонгина кампир юзидаги латта-путталарини олиб ташлаб, дебди:

— Эҳ, ўғлим, мен сени синамоқчи бўлувдим. Мурувватнинг, саховатнинг юки оғир. У ҳар қандай одамни эзиб қўйиши мумкин. Аканг, ҳар бир марта келганимда уч динордан берарди. Мен ундан унинг қи марта хайри-саховат кўрардим.

Хотам Тойнинг укаси онасининг олдида тиз чўкиб, уэр сўрабди...

Муҳтарам, «Оқшом»хон, бу бир ривоят. Аммо ривоятда ҳам ҳақиқатнинг синиқлари ётишини унутмайлик. Зотан, Меҳр ва Мурувват шундай умуминсоний туйғуки, унинг сарҳадлари бепеён. Илоҳим, ҳеч кимни унинг нурафшон ёғдулари тарқ этмасин.

Хидирати ПАНЖИЕВ

Хатлар — ҳаёт ойнаси

Ҳурматли оқшомхон. Бу сафарги «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси материаллари асосан мулоҳазага, мушоҳадага чорловчи хатлар асосида тайёрланди, ушбу номаларда танқидий фикрлар, тақлифларнинг ўрин олганига аслида ажабланмаслик керак. Балки қувониш даркор. Сабаби демократик-хукукий давлат қуришни ният қилган эканмиз, ҳар бир фикрга қулоқ солмоғимиз, ўз фикрини очик айти олмаслик ҳоллари каби салбий оғдатларнинг бутунлай барҳам топишига эришиш зарур. Албатта, ҳар бир соҳада хато бўлади, камчилик юзи беради. Чунки иш бор жойда хато бўлади-да. Фақат ана шу хатони тезда илғаб олиш, камчилигини

туғатиш зарур. Бунда ушбу хатони кўриб бунга бепарво муносабатда бўлмаган инсоннинг фикри қўл келади. Шукрки, тахририятимизга келаётган мактублар орасида танқидий, таҳлилий руҳда битилганлари кўпайиб борапти. Бу бизни қувонтиради. Шу сабаб ҳам биз асосан танқидий руҳда битилган мактублар асосидаги мақолаларни эълон қилишга қарор қилдик. Сиз азиятлардан илтимосимиз шуки, «Тошкент оқишони» тахририятига мактублар йўнлаш, телефон қилинг. Тахририятимиз Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-ўйда жойлашган. 133-08-74 телефонида сиз қоқшини унутманг, азиятлар.

Ҳеч нарсадан беҳабар бошқарма бошлиғи аввалига хайрон бўлди ва

— Бундай ҳисоботнинг менга кераги йўқ, — деди.

— Ахир ўзингиз...

— Мен сизга бундай топшириқ бермаганман. Ориф ака папкасини қўлтиқлаб бошқарма бошлиғи ўринбосари Эрматнинг хонасига кирди.

— Кеча-кундуз ухламай тайёрлаган ҳисоботим керак эмасмиш.

Эрмат қўлиб юборди.

— Сиз билан ҳазиллашгандик ака. Бу гапдан хўжайиннинг хабари йўқ. Ҳаммасини Шокир бошлади. Уэр, ака. Аммо, телефонда ким нима деса, ўзини қўрмай, овозини танимай, топширигини баҳариб кетаверасизми?

Табиатан оғир босиқ Ориф ака ҳазилни тушунди-ю, роса яйраб қўли ва деди:

— Майли. Бир ҳисобга яхши бўлди. Ўзимнинг беш йиллик иш фаолиятини қандай эканлигини билиб олдим. Фақат акамнинг тўйига бора олмаганим, қўшининг ошига чиқмаганим чакки бўлди-да.

Азиз ЖўРАЕВ

Тахрирхон илтимоси АҲОЛИ МАМНУН Бўларди!


—Биз «Қорасув-6» даҳасида анча йиллардан буён истикомат қилиб келаётган аҳоли, — деб ёзади 375 нафар фуқаролар имзо чеккан мактуб муаллифи нафақхўр Мурод Саъдуллаев, — бир нарсага хайронмиз. Йўлларимиз кенг, раvon ва 2519-автокорхона «биқинимизда» жойлашган. Аммо 10 йиллардан буён транспортта ёлчимаймиз. Ушбу автокорхонанинг фақатгина 2 та 21 ва 49-автобуслари аҳолига хизмат кўрсатади. Кўп минг сонли даҳамиз фуқаролари учун катта бозорларнинг ҳаммаси «ноқулай» жойлашган: «Кўйлик», «Олой», «Ширин», «Чорсу» — уларга албатта 2 та — транспорт воситасида борилади. Рўзгор халталари билан бишқа автобусдан иккинчисига ўтириб боришнинг мушкулотларини ортқича изоҳлашга ҳолат бўлма-са керак...

Мазкур мавзедан ёшлар коллеж, лицейга, кўплаб фуқаролар «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссдорлик жамиятига ишга қатнайдилар. Шу боис ҳам даҳамиз аҳолиси номидан 49-автобус йўналишини «Тракторсоз» мавзесига узайтиришларини сўраб бизлар кўплаб марта мурожаат қилмоқдамиз, лекин ҳеч қандай натижа бўлмапти. Бизнинг дилномаларимиз ҳозиргача жавобсиз қолмоқда...

Муҳбиримиз ушбу мактуб юзасидан 2519-автокорхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Марина Крюкова билан боғланганида, у жумладан шундай деди:

— Аҳолидан мунтазам тушаётган ариза, тақлиф, илтимослар асосида «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясига корхонамизга қарашли 49-автобус йўналишини «Тракторсозлар» даҳасигача узайтириш ҳақида ёзма равишда мурожаат қилдик. Шунингдек, ушбу йўналиш ҳайдовчилари билан кўп бор мулоқотлар ўтказилганиги, улар бу тақлифни маълумлашларини ҳам баён қилдик...

Юртимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар инсон омили, унинг манфаатлари учун хизмат қилиши эътиборига молик. Шундай экан, биз «Қорасув-6» даҳаси аҳолисининг ўринли тақлифлари «Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компанияси раҳбарияти томонидан ижобий ҳал қилинади, деб умид билдираимиз.



Куз фасли ўзининг бутун тароватини намойиш қилмоқда. Кунлар ҳоҳида илиқ, гоҳида салқин кечаганига, баъзида ёмғир ўзининг билдур томчилари билан атрофга ўзига хос тароват бағишлаётганига қарамай, шаҳримиздаги маданият ва истироҳат боғлари ҳамон болажонлар билан гавжум. Сиз суратда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида келажагимиз ворисларининг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун яратилган шароитларни кўриб турибсиз.

Ҳақимжон Солиҳов
олган сурат.

Тўқилмаган ҳисоблар

ҲАЗИЛНИНГ ТАГИ ЗИЛ

Мирқобил ака Юнусобод туманида истикомат қилади. Томорқаси анча катта, 13 сотих бўлганлиги учун ҳар йили ҳовлисига помидор, болгар қалампирни, турли хил кўкатлар екишни қанда қилмайди. Томорқадан фойдаланган яхши-да. Оила бюджетига ёрдам.

Жорий йилда Мирқобил ака дўстларининг маслаҳати билан ерига картошка экти. Орадан бир ой ўтар-ўтмас экин анча бўлиқ, серпушт бўлиб ўсди. Ахир тул сони қанча кўп бўлса, шунча кўп ҳосил олинади-да. Мирқобил аканинг ҳазилкаш дўстлари оила бюджетига зарар келтириб бўлса ҳам қалтис ҳазил қилишдан ўзларини тийиб тура олишмади.

Кунларнинг бирини Мирқобил аканинг ҳовлисига кириб қолган дўсти Азамат картошкани бегона ўтлардан тозалашган Замирахонни

кўрди-ю, (Замира Мирқобил аканинг хотини) қўлай фурсатни кўлдан чиқармасликка аҳд қилди.

— Хорманг, келин. Шу ердан 15 тонна картошка олишни хоҳлайсизми?

— Ҳўш, ҳўш?... —

— Хар метрда бир түп картошка қолдирасиз. Қолгани ортқича.

— Ростданми? Раҳмат. Ҳисобчи бўлганим учун бошқасини билмай юрареган эканман-да.

Азамат кетди. Унинг шўмлигини сезмай Замира картошка ниҳолларини бир бошидан юлаверди.

Кечкурун ишдан хориб-чарчаб келган Мирқобил ака ҳар галгидек картошка экилган ҳудудни кўздан кечирди-ю, хайрон бўлди.

— Хай, хотин. Картошкани қим қилиб ташлади?

— Мен юлдим. Ўртоғингиз Азамат ака шуни маслаҳат берди. Энди 15 тонна ҳосил оламиз.

Азаматнинг қалтис ҳазил қилганини сезган Мирқобил аканинг фиғони фалакка чиқди, жаҳли қўзиб хотинини роса бўралаб сўқди. Ёмони бундай сўкишлардан Азамат ҳам бебаҳра қолмади. Фақат ана шу қалтис ҳазил тўфайли икки

дўстнинг юзқўрмас бўлиб кетишгани чакки бўлди-да.

Мурод ИЛХОМОВ

«МЕН СИЗГА ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛГАНИМ ЙЎҚ...»

Ориф аканинг соддалигини яхши билган дўсти Шокир ҳокимиятдаги таншнинг хонасидан овозини ўзгартириб телефон қилди.

— Орифхон. Мени танияспизми?

Овоз эгасини бошқарма бошлиғи деб ўйлаган Ориф ака «Ха, хўжайин» деди.

— Гап бундоқ ака, — овоз келди гўшакнинг нарийбидан, — етти хил формада, ҳар бири етти нусхадан беш йиллик фаолиятингизни сарҳисоб қилиб берасиз. Индинга ерталаб столимда бўлиши шарт. Банкларани ўринбосаримдан олсангиз.

Ориф акани синаш мақсадида ушбу ҳазилга шерик бўлган ўринбосар Эрматнинг Шокир билан апок-чапоқ эканини қаердан билсин жабр-

дийда акамиз. Эрматнинг ўзи компьютерда иштиро қилган, икки томонини ҳам тўлдириши шарт бўлган бланкаларни оларкан. «Тўй-ҳашамлар ҳам қолиб кетадиган бўлди-да» деб қўйди хўрсиниб.

— Юқорининг талаби, ака. Нима ҳам қилардик. Ё, бир гапласиб қўрайми, а?.. — деб қўйди сохта табассум билан Эрмат.

— Зарур бўлса сўраб-да, ўшанон. Ухламай бўлса ҳам топшириқни баҳараман, — жавоб қайтарди Ориф ака.

Ҳақиқатан ҳам «юқори» томонидан тайёрланган бланкалар мураккаб тузилган эканми, 30 йиллик тажрибали ҳисобчи Ориф акани икки кун қийнади. Алам қиладигани шу ҳисоботни деб Ориф ака жигарининг тўйига ҳам боролмади.

Қўшини қўз узатаётганди. Наҳорга ошга ҳам чиқа олмади.

Айтулган муддатда икки папка ҳужжатларни сўнгги бор қўздан кечираркан, бошқармага телефон қилди.

— Алло, алло. Бошқарма бошлиғини уланг. — Бошқарма бошлиғи эшитида, — жавоб келди гўшакдан.

— Ўзингиз айтган 7 хил формада, 7 хил нусхада беш йиллик ҳисобот...

Биласизми?

Инсон ўзи билмаган ҳолда ҳидлардан таъсирланиб, уларни турлича таърифлайди: тетикловчи, оромбахш, маст этувчи, ҳаяжонлантирувчи, ёқимли, қўланса ва ҳоказо.

Яхши тайёрланган кишилар ҳидлар ҳақидаги бу каби сифатларнинг бир неча миңини таърифлай олишади. Бундай кишиларни Тибет ибодатхоналарида болаликдан тарбиялашган. Улар ҳид орқали нафақат инсон ёши, жинси, фель-атвори ва касаллик ташҳисини, балки, алоҳида кишиларнинг қариндошлигини ҳам аниқлай олишган.

Теварак-атрофимиздаги маълумотнинг 90 фоизини кўриб, 5 фоизини эшитиб, 2 фоизинигина ҳид орқали қабул қиламиз, аммо шу икки фоизнинг асосийси тўғридан-тўғри онгимизга таъсир кўрсатади, чунки ҳид абстракт эмас, балки маълум жисм ва моддалардан ажралувчи молекулалар бўлиб, бурун шиллиқ қаватида қўнади ҳамда сезувчи рецепторлар орқали миёда таҳлил қилинади. Биз овқатда ачитувчи бактериялар борлигини кўриб ёки эшитиб эмас, балки бактериялардан ажралувчи токсик заҳарли моддаларнинг ажралаётган молекулалари, яъни ҳиди орқали аниқлаймиз. Сув ва сирка кислотасининг фарқини билиш учун ҳам уларнинг ҳар бирини ичиб қўриш шарт эмас, балки учувчи молекулаларни секин бурунга елиб аниқлаймиз.

Гомеопат ва психотерапевт олимларнинг фикрича, ҳидлар нафақат ҳиссийтимизга, балки хатти-ҳаракатимизга ҳам таъсир эта олади. Ҳидлар таъсирини билиш сирлари жуда қадимий ва мукаммал тарихга эга. Қадимги мисрликлар тананинг ҳар бир аъзоси ўзига хос ҳид таратишини билишган ва шунга кўра алоҳида воситалар қўллаган.

Африкада эркаклар жангга киришдан олдин бошқа, севгилли билан учрашишдан олдин бошқа гиёҳларни ҳидлаш ва баданларига суртлашган. Оналардан қизларга севгиллисини ўзига мойил қилувчи воситаларни тайёрлаш ва қўллаш сирлари меҳрос бўлиб ўтиб борган. Ароматерия (шифобахш ҳидлар билан даволаш) илми ҳам шу асосда келиб чиққан. Ўша даврлардаёқ атиргулнинг мия ва тана чарчотини чиқарувчи таъсири, яъни ҳиди қайғи-ятини ошириши маълум бўлган.

Замонавий илмий текширишлар ҳам ҳидларнинг турли хусусиятларини исботлаб берган. Масалан аммиакнинг мушаклар ишини қучайтиришини (нашатири спиртдан ажралувчи), камфоранинг депрессияга қарши таъсирини,

СИР-СИНОАТЛАРГА ТўЛА ОЛАМ

лимоннинг нафас аъзолари ишини тезлатишини таъкидлаш мумкин.

Айрим ўсимликлар жуда оз миқдордаги учувчан эфир таъсир кўчига эга. Масалан, ургочи дала асаларисининг бир кубометр ҳаводаги бир неча аттрактант молекуласи бир неча километр узоқдаги эркакни ўзига жалб эта олади. Аттрактантлар микродозасининг соч ёки қиймга сепилиши биланоқ, киши ҳидли мафтункорликни намоён эта бошлайди. Бироқ бунинг сиз ҳаёлингизга келтирган атирга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Реппелентлар кўпроқ сержаҳд, ўзига юқори баҳо бериб, ўзгаларга паст назар билан қарайдиган кишилардан ажралар экан. Олимларнинг аниқлашча, инсоннинг фикри, яшаш тарзи унинг ҳид ажраткишига таъсир кўрсатади. Умуман бунда бошқа омилар ҳам таъсир кўрсатади. Жумладан, овқатланиш характери, ирсий хусусиятлар, оилавий муносабатлар.

Одатда кўпроқ шаҳарликлар жабрланади, чунки уларнинг ҳид сезиши заҳарли газлар, токсик моддалар билан бузилган бўлади, ажратадиган ҳиди эса зерикарли ва меҳнат билан интенсификацияланган (тўйинган) бўлади. Шунга кўра социологларнинг фикрича, айрим шаҳарлардаги оилаларнинг ажраллиш ҳоллари 75 фоизни ташкил қилади. Реппелентлар мисолида тутунни олайлик, олатда чекувчилар чекмайдиганларга жуда малол келади. Чунки тутун хавф ҳиди ҳайвонлар учун хатар сигнали бўлиб саналади. Инсоний бир неча миллион йиллардан буён мавжуд экан, бу маълумот унинг психикасида чуқур ўрин олган. Ҳидлар хотирада узоқ вақт сақланади. Янги туртилган чақалоқ ананинг кўкрагини бошқалардан ажрата олади ва у умрбод хотирасида илиқлик ва меҳр билан муҳрланади.

Одология — ҳидлар тўғрисидаги илмнинг ҳали ечимланган сирлари кўп. Бироқ қанча ҳам сезиларли ва кам илганадиган бўлса, уларнинг онгимиз устидида ҳукмронлиги шунчалар баян бўлади. Инсонлардан таралаётган қўлгина ҳидлар гаммасини қабул қиламиз. Бизга кимнингдир табассуми, юриш-туриши, фикрлаши ёқадки, аммо бу мафтункорлик айнан биологик ҳидлар орқали таъсир экан. Кишини ўзига жалб этувчи ва онгига ижобий таъсир этувчи ҳидлар аттрактантлар деб аталади, аксинча, салбий таъсир этувчи ҳидлар реппелентлар деб аталади.

«Хид орқали мулоқот» нафақат инсон, балки ҳайвонот оламида ҳам мавжуддир.

Айниқса, қарама-қарши жинси ўзига жалб этувчи аттрактантлар, кўрқув, ваҳима ва бошқа ноҳус ҳисларни уйғувчи реппелентлар катта таъсир кўчига эга. Масалан, ургочи дала асаларисининг бир кубометр ҳаводаги бир неча аттрактант молекуласи бир неча километр узоқдаги эркакни ўзига жалб эта олади. Аттрактантлар микродозасининг соч ёки қиймга сепилиши биланоқ, киши ҳидли мафтункорликни намоён эта бошлайди. Бироқ бунинг сиз ҳаёлингизга келтирган атирга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Реппелентлар кўпроқ сержаҳд, ўзига юқори баҳо бериб, ўзгаларга паст назар билан қарайдиган кишилардан ажралар экан. Олимларнинг аниқлашча, инсоннинг фикри, яшаш тарзи унинг ҳид ажраткишига таъсир кўрсатади. Умуман бунда бошқа омилар ҳам таъсир кўрсатади. Жумладан, овқатланиш характери, ирсий хусусиятлар, оилавий муносабатлар.

Одатда кўпроқ шаҳарликлар жабрланади, чунки уларнинг ҳид сезиши заҳарли газлар, токсик моддалар билан бузилган бўлади, ажратадиган ҳиди эса зерикарли ва меҳнат билан интенсификацияланган (тўйинган) бўлади. Шунга кўра социологларнинг фикрича, айрим шаҳарлардаги оилаларнинг ажраллиш ҳоллари 75 фоизни ташкил қилади. Реппелентлар мисолида тутунни олайлик, олатда чекувчилар чекмайдиганларга жуда малол келади. Чунки тутун хавф ҳиди ҳайвонлар учун хатар сигнали бўлиб саналади. Инсоний бир неча миллион йиллардан буён мавжуд экан, бу маълумот унинг психикасида чуқур ўрин олган. Ҳидлар хотирада узоқ вақт сақланади. Янги туртилган чақалоқ ананинг кўкрагини бошқалардан ажрата олади ва у умрбод хотирасида илиқлик ва меҳр билан муҳрланади.

Одология — ҳидлар тўғрисидаги илмнинг ҳали ечимланган сирлари кўп. Бироқ қанча ҳам сезиларли ва кам илганадиган бўлса, уларнинг онгимиз устидида ҳукмронлиги шунчалар баян бўлади. Инсонлардан таралаётган қўлгина ҳидлар гаммасини қабул қиламиз. Бизга кимнингдир табассуми, юриш-туриши, фикрлаши ёқадки, аммо бу мафтункорлик айнан биологик ҳидлар орқали таъсир экан. Кишини ўзига жалб этувчи ва онгига ижобий таъсир этувчи ҳидлар аттрактантлар деб аталади, аксинча, салбий таъсир этувчи ҳидлар реппелентлар деб аталади.

«Хид орқали мулоқот» нафақат инсон, балки ҳайвонот оламида ҳам мавжуддир.

Дилфуза БОЗОРОВА,
шифокор.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
домо бўлур...

● ХИКОЯТ. Айтишлари-ча, бир ялқов қизни ўзидан ҳам ялқовроқ йигитга турмушга бердилар. Отаси қизига қараб деди: «Мана бу юмшоқ кўрпалар ва жиҳозлардан роҳатланиб фойдаланиб олинглар, имомин қомилки, сизлар юз йил турсаларингиз ҳам камбағалликдан ўзга нарса тугдир олмайсизлар».

● Ҳақимларнинг айтишича, шижоат, саховат ва хушхулқилик энг аъло фазилатлар бўлиб, бу сифатларга эга бўлган кишилар доимо улуглик сармосидан баҳрамандлик топганлар. Мазкур сифатлар ичида хушхулқилик алоҳида диққатга сазовордир. Негаки шижоатга аҳён-аҳёнда иш тушади. Саховат олий фазилат бўлса-да, у барчага муяссар бўлавермайди, унинг урдасидан чиқиш учун кишига ҳар хил шарт-шароитлар керак. Аммо хушхулқилик шундай нарсаси, унга барча одам ета олади. Ёқимли хулқ ағасидан барча катта-кичик хурсанд бўлади. Бундай хулқ эгаси бошқаларни хурсанд қилишдан ташқари ўзи ҳам доимо хурсанд юради, бошқалардан эса ўзига муҳаббат ва мулоимлик қайтади. Қитъа:

**Абадий саодатнинг
калити хушфезллик-
дир.**

**Аммо унга баъзилар
доим муяссар эрмас!**

● Жамшид ҳам Анушервон каби тўртта узук яса-тиб, унинг ҳар бирига биттадан сўз ёзиб қўйган эди. Биринчи узукда: «Охисталик ва чора» деган сўзлар ёзилган бўлиб, бунинг маъноси: «Шошилиш ёмон ҳислат, барча ишларни шошилимай, чора-тадбирларини топиб қилмоқ керак», — деган эди. Иккинчи узукнинг кўзига: «Одиллик ва иморат» сўзлари ёзилган эди. Бунинг маъноси: «Мамлакатда адолат билангина иттифоқлик ва равнақ иморатини тиклаш мумкин», — дегани эди. Учинчи узук кўзига: «Ростлик ва шошилиш» сўзлари ёзилган эди. Бунинг маъноси: «Дўстларга фақат рост сўзлаш керак», — дегани эди. Тўртинчи узук кўзига: «Жазо ва инсоф» сўзлари ёзилган бўлиб, бунинг маъноси: «Бировни жазога тортаётган пайтда инсоф юзасидан иш қуриш керак», — дегани эди.

Жамшид ҳар бир узукни шу узук кўзидаги сўзлар мазмунига оид ишга қўл урган-да тақиб олар ва унга жим қараб турар эди.

● Азизим, барча ишда ҳам шошалоқлик қилмагинки, шошалоқликнинг зарарлари ниҳоятси ва сабр қилишнинг манфаати чегарасиздир. Чунотчи айтадилар: Маҳсад ҳазинасин қалити сабр!

Ахлок китобида келтирилишича ҳар қим ҳодисалар ёмғири остида ўзини сабр қалқони билан ҳимоя этса, маҳсад ўқи тездагина мурод нишонига бориб тегади. Чунки сабр шодлик қалитидир. Бу қалитсиз ҳеч қандай маҳсад эшиги очилмайди.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Уша йилларда Афғонистонда ҳаққа етишган икки уламо бор бўлиб, бири афғонлардан чиққан ҳазрат Соҳиб, иккинчиси — ўзбеклардан чиққан Тўра Соҳиб эди Саид Маҳмудхон Тўра ҳисобланар бўларди. Халқнинг ҳурмати уларга чексиз эди. Диний масалалар ёки турмушда учрайдиган муаммолар ҳақида бирон баҳс юз бергудай бўлса ёки жанжал чиқса, даставвал ушбу икки уламо ҳузурига ошиқардилар. Анча йиллар муқаддам Мадинаи Мунавварада Шайх Ҳаққий Маккий Маданий Деҳлавий саволларга қандай жавоб берган бўлса, энди Саид Маҳмудхон Тўра ҳам муридларига шундай муомала қиларди.

Пайшанба куни эди, Саид Маҳмудхон Тўра «Дорулмуаллимин»дан қайтиб, бироз истироҳатдан сўнг, таҳорат олди, кейин шом намозини адо этди. Гулзорнинг ўнг томонидаги катта сўрида беш ёшлардаги ўғилчаси Аҳмадхонни тиз-засига олиб эркалатиб, чулдир-чулдир гапларига қулоқ солиб ўлтирдиган, дарвозадан қимнингидир қақираётгани эшитди.

— Ким бўлди экан? — қизиксинди гуломи Лўла Юсуфбой... У ўчоқ бошида кечки овқат пиширмакдади. Лўла Юсуфбой — ҳазора қабиласидан бўлган йигирма ёшлардаги чакқон йигитнинг исми. У ўзбекчани яхши биларди.

Бу пайт Саид Маҳмудхон Тўра иккинчи рўзғори Хосиятхон билан бефарзандлик ваҳидан ажрашиб кетганига ярим йил бўлганди. Хосиятхон борлигида ҳам, ҳозир ҳам рўзғор ишлари хизматкор зиммасида эди.

— Қани, чиқайин-чи... — жавоб қилди Саид Маҳмудхон Тўра.

— Бош устига, тўрам...

Гулзор ёнидан борар экан, бир неча гангир-гунгир овоз катта мударрис қулоғига қалинди. «Ие, кўнчилиқ шекилли...» ҳаблдан ўтказди у. Дарвозани очди-ю қизик манзарага дуч келди. Ташқарида чамаси ўнча одам сўниқ бир қайфиятда, алланимарсадан-дир ранжиган, диллари оғриган ҳолатда туришарди. Катта мударрис барини таниди: мактабларда муаллим бўлиб ишлашаётган ўзбегу афғон муридлари экан.

— Ассалому алейкум, Тўра Соҳиб...

— Ассалому алейкум, пирим...

— Ассалому алейкум, тақсир... Узр, безовта қилдик...

Муаллимлар бир-бирларига гал бермай сўзлардилар.

Катта мударрис саломларга алик олиб барчасини уйга бошлади. Сўрига ўтирдилар. Ўзларга фотиҳа тортидди. Энди ҳеч қим гапирмас, ҳамма пири муршидан гап кутарди.

— Хўш, нима гап? Тинчликми? — сўради Саид Маҳмудхон Тўра.

— Фалати ҳодиса рўй берди, тақсир...

— деди Фулом Ахрор, «Дорулмуаллимин»дан унча узоқ бўлмаган маҳалладаги мактаб муаллими. — Айтишга тил ҳам бор-майди... Яқинда бизга маориф вазирлигидан бир неча ўқув китоблари беришди, яхши бўлди, деб ўйладим. Китоблар кам-да. Аммо ичида бир китоб бор экан, Ҳошим Шоиқ деган одам ёзибди... Ўқиб қўриб, тақсир, тепа сочим тикка бўлди. Епирай!.. Кейин бошқа муаллимлардан секин сўрадим, балки мен нотўғри тушунгандирман. Лекин барча ҳам мен каби иштибоҳлар ичра фарқ экан... Бу муборак динимизни оёқости қилишдан бошқа нарса эмас...

Энди бошқа муаллимлар жим тура олай қолдилар. Ҳамма ўз фикрини айтишни истарди:

— Ичи тўла бидъат китоб бу...

— Қуръони қаримга ҳам тил теккизибди...

— Айрим оятлар, тавба қилдим, ноқис эмиш...

— Одам Ато билан Момо ҳаво наъимини парвардигор яратмаган эмиш. Одам маймундан таркаган эмиш, май-

мундан...

— Юнус пайғамбар афсонасига ҳам ишониб бўлмас эмиш.

— Динимизга чаппа тушадиган китоб экан, Тўра Соҳиб!..

Саид Маҳмудхон Тўра дарров фикр қилди: бу ташвиқот китоб, албатта, қизил Россиянинг фитнаси, болшавой худосизлар, зиндиклар ишидир. Ҳошим Шоиқ уларнинг яшин топшириқлари билан буни амалга оширмишдир. Улар шундоқ йўсинда муборак динимиз арқонларига путур етказмоқчилар. Ҳа, ушмундоқ Ҳошими Лаъинлардан ўзгари кутмоқ мумкин бўлмас...

Пири муршид муаллимларни тинчлантириб бундай деди:

**Мухаммад Али,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

АБАДИЙ СОҒИНЧЛАР

РОМАН — ХРОНИКАДАН БОБЛАР

— Менга тез билдирганингиз саз бўлибдир. Офарин сизларга! Ортиқ бу китобдан фойдаланмангиз, бошқаларга ҳам айтингиз. Дини ислом шавкати учун ана шундай курашмоғимиз зарур ва лозимдир. Ушбу китоби залолатни, зеро сўзларингиздан уни ўзгача аташ мумкин эмас, бир кўздан кечириб чиқурмен... Балки уларни маҳкамага тор-турмиш... Маориф вазирини ҳам, мусаннифни ҳам...

— Фикри оғизимча, уларни маҳкамага тортмоқ энг одил йўл бўлур эди, албатта... — чайналди Фулом Ахрор. — Аммо бир андиша борки, у киши журъатини қиркади...

— Хўш, хўш... Муаллимлар қулоқлари динг бўлди.

— Бу китобнинг чиқишига маориф вазири Файз Мухаммадхон Зикрийё муҳр босиб ижозат берган экан... У кишини қандоқ қилиб маҳкамага тортмоқ мумкинки, Афғонистон подшоши Амир Омо-нуллохоннинг нақ ўзларига амаки бўлсалар... Шу важдан бу ҳақда ҳеч қимга сўз айтмадик, фақат ўзингизга ёрилдик...

Саид Маҳмудхон Тўра қомил ишонч билан деди:

— Дини исломни, бу буюк илмни хор қилмоққа, ҳали маориф вазири экан-ку, ҳатто подшо жаноби олийларига ҳам ижозат берилмайдир... Буюк устозимиз Мухаммад ал-Бухорий, қуддиси сир-риху, илмни хор этмаймен, деб қув-инга учрадилар, қувингидики вақтларида ўз тутумларини адолатли хисоблаб қўнгиллари таскин топқон эрди. Биз фақат динимизнинг поклиги учун талаш-борттишурмиш, ўзга ҳеч нимарсадан таъмаимиз йўқдур!..

— Офарин, устоз!

— Сўзларингиздан қўнгиллар ёруғ бўлди, пирим...

— Бошлари тошдан бўлсун, Маҳмудхон Тўрам!

Муаллимлар хотиржам бўлиб уйларига қайтдилар.

Саид Маҳмудхон Тўра хуфтон намо-зидан сўнг, «хаж» сурасининг охириги уч оятини иқлол билан тиловат қилди. Сўнг оҳиста ўринга қўзилди-ю аммо узоқ вақт ухлай олмади. Унинг ороми йўқолган эди...

Эртасига китоб билан танишганда катта мударрис, уни балки Ҳошим Шоиқ ёзмаган, унга иншо этиб берганлар, деган фикрга ҳам келди. Аммо китоб мукосаида Ҳошим Шоиқнинг номи турибди. Бас, бу унинг китоби! Масъулият ундадир!

Шуларни ўйлар экан, Тўра Соҳибнинг қарори қатъийлашди. Шу кунгидея ушбу китоби залолатнинг мусаннифи Ҳошим Шоиқни ва уни чоп этишга ижозат берган маориф вазири Файз Мухаммадхон Зикрийёни маҳкамага берди, даъво хатини эса садоратга олиб бориб садри аъзамнинг ўз қўлига топширди. Садри аъзам Саид Маҳмудхон Тўрани уламои зуқко ва қомил инсон си-

фатида ҳурмат этарди. Шунингдек, шайхулислом ила муфтий жанобларини ҳам вазиятдан хабардор этиб қўйди.

«Дорулмуаллимин» катта мударрисининг қатъият эгаси эканлигини яхши билганлар, маҳкама ишлари оқибатда қандай натижа берар экан, дея хавотирда эдилар. Қун ора Фулом Ахрор бошқа муаллимлару муридлар ташвишланиб хабар олишар, нима бўлди, деб сўрашар, ҳали жавоб йўқлигини билиш-гач, Аллоҳдан сабру қаноат талаб орт-ларига қайтишарди. Ҳамма ташвишда, ҳаяжонда... Катта мударриснинг юзла-рида эса ташвиш аломатлари сезилмас-ди.

Уша кунларда Бухоронинг машхур сиёсий арбоб-ларидан бири Усмон Ҳўжа бошвешвиклар зугуми билан Афғонистонга паноҳ излаб келиб қолди.

У х ш а ш
ходисалар тез-тез учраб турарди, турли тоифадаги одамлар, асо-сан, жон сақ-лаш маъносида

бошқа эллардан кўра кўпроқ Афғонис-тонни афзал кўрадилар. Усмон Ҳўжа ҳам ана шундайлардан бири эди. Мамлакат туриш-турмушидан ҳамиша боха-бар бўлиб турадиган, айниқса Ватан билан, ватандошлар билан боғлиқ кичик ҳодисаларни ҳам кўздан қочирмайдиган Саид Акрамхон Тўра бундан огоҳ бўлди ва Усмон Ҳўжани ўз қанотига олди. Унга Ҳолопошхо деган жинини никоҳлаб берди, тўйини қилди, шунинг билан тагин бир оилани мустаҳкамлаш ғамини чекди. Бу Саид Акрамхон Тўранинг бечораларварлиқларига, одамли-ликларига тагин бир мисолдир.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, туркистониқлар мусибатда қолдилар. Ҳамма учун маслаҳатгўй, ҳамиша ёрдамга тайёр тургувчи, меҳрибон ва оқил инсон, ўзбекларнинг оқсоқоли Саид Акрамхон Тўра дунё ташвишларидан илиқ тортиди ва Аллоҳ раҳматига берди... Етмиш ёшда эдилар, деб ҳисоб қилинди. Саид Маҳмудхон Тўра ва Норбўғахон Тўралар туркистониқлар сардорининг маросимла-рини ўринликиб ўтказдилар. Ҳар икки Тўра, айниқса, катта мударрис қутлима-ган мусибатдан бироз ўзларини йўқо-тиб қўйдилар. Бошларига соя ташлаб турган даракхатлари йиқилгандай, қизғи ҳимоясига олган қўрғонларни қулаган-дай, суянган тоғлари емирилгандай сезардилар ўзларини шу палла...

Бирдан маҳкамдан хабар бўлди: Саид Маҳмудхон Тўра даъвогар бўлиб топшир-ган ишда ҳақ бўлиб чиқибди! Садорат-да, ушбу китоби залолат ислом динини атай бузишга, оёқости қилишга қаратил-ган ҳужжатлиги исбот этилибди ва катта жазога лойиқ топилибди. Ҳукмга қўра, мусанниф Ҳошим Шоиқ ва китоби чоп этишга ижозат берган маориф вазири Файз Мухаммадхон Зикрийё Чаман мав-зеида тошбўрон қилинадилар...

Маҳкаманинг қароридан ахли ислом, жумла мўмин мамнун эди. Ҳамма хурсанд, ҳаяжонда... Катта мударриснинг юзлари-да эса қувонч аломатлари сезилмасди.

Воқеанинг бундай бўлишини асло қу-тишмаган маориф вазири Файз Мухаммадхон Зикрийё билан Ҳошим Шоиқ ушбу ҳукмга норозилик билдириб иккинчи маҳкамага арз қилдилар, бироқ бу маҳ-кама ҳам қабул этилган ҳукмни тўғри деб топди. Сўнг Тамийёз (энг олий суд) маҳ-камасига мурожаат бўлди, аммо бундан ҳам бир иш чиқмади, «тошбўрон қили-ниш» ҳукми ўз қучида қолаверди. Ҳамма жойда даъвогарнинг Саид Маҳмудхон эшонлиги-ю фикҳнинг етук билимдон-ларидан бири эканлигини, ул кишининг бирон ишга ҳуда-беҳуда аралашмаслик-ларини, ҳар бир қадамини адолатли йўл тутиб ўйлаб босишларини билишгач, ҳукмни қўллашга қарор қилардилар. Китоб мутасаддилари учун, даъвогар қози бўлса, арзининг Аллоҳ эшитсин, қабилида бир ҳолат юз бермиш эди.

• Мусанниф — китоб тартиб берган киши, ёзган киши.

(Давоми келгуси сонда)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!!!

Давлат Мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 2,5,9,12,16,19,23,26,30 ноябрь ва 3,7,10,14,17,21,24,28,31 декабрь кунлари аукцион савдоларини ўтказди

Аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

- Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Олмачи кўчасида жойлашган, ободонлаштириш ишлари учун мўлжалланган, майдони 0,018 га. ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Бошланғич нархи 1 801 800 сўм;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига қарашли Солиқ коллежининг 1984 йилда и/ч, д/б 10А1 473 бўлган ГАЗ- 24 русумли. Бошланғич нархи 343 843 сўм;
- «Тошинвесткурилишбўлаш» унитар корхонасининг 1988 йилда и/ч, д/б 10А1 382 бўлган КАВЗ- 3270 русумли. Бошланғич нархи 1 230 000 сўм; 1982 йилда и/ч, д/б 10А1 385 бўлган ГАЗ- 53А русумли. Бошланғич нархи 874 000 сўм;
- Тошкент шаҳар тиббий меҳнат экспертиза хизмати-

нинг 1990 йилда и/ч, д/б 031- 29 ТНГ бўлган, ВА3- 2121 русумли. Бошланғич нархи 541 000 сўм;

- Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги қишлоқ ҳўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 1980 йилда и/ч, д/б 10 АН 339 бўлган ГАЗ- 24 русумли. Бошланғич нархи 500 000 сўм;

Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 101- уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг:

- 1995 йилда и/ч, д/б 10АВ 140 бўлган УАЗ 31514- 10 русумли авто- воситаси. Бошланғич нархи 380 159 сўм;
- 1993 йилда и/ч, д/б 10АВ 021 бўлган «Эсперо 2000» русумли авто- воситаси. Бошланғич нархи 2 625 000 сўм;
- Тошкент, Буюк Ипак Йўли-243-уйда жойлашган Тошкент

вилояти Ички Ишлар бошқармаси автоҳўжалигининг:

- 1990 йилда и/ч, д/б 10АВ 268 бўлган, УАЗ- 31512 русумли авто- воситаси. Бошланғич нархи 559 482 сўм;
- 1992 йилда и/ч, д/б 41- 48 ТШБ бўлган, ГАЗ- 330700 русумли авто- воситаси. Бошланғич нархи 710 870 сўм;
- 1988 йилда и/ч, д/б 02- 00 ТШБ бўлган, ГАЗ- 2410 русумли авто- воситаси. Бошланғич нархи 535 616 сўм;
- Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ж.Остонава кўчаси, 21- уйда жойлашган «ВИЗА» МЧЖга қарашли умумий майдони 485,75 кв.м бўлган қозонхона. Бошланғич нархи 31 730 000 сўм;
- Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Бинокор кўрғони, Шолікор (Центральная) кўчаси, 120- уйда жойлашган «Мурод- Меҳри» МЧЖнинг умумий майдони 119 кв.м. бўлган савдо дўкони ва умумий майдони 285 кв.м. бўлган учта бостирма. Бошланғич нархи 10 200 000 сўм.

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган қуйидаги ер участкаларининг узок муддатли ижара ҳуқуқлари қўйилади:

Объект маълумоти	Бошланғич баҳоси (сўм)	Қуриладиган мажмуа тури	Тошкент автомобиль-Халқа йўли, 19-мавзёда тўртта, ҳар бири 0,02 га дан	3 919 708	Икки қаватли савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Акмал Икромов тумани			Мойкўрғон кўчасида, 0,02 га	3 498 348	
Лутфий кўчасида, 0,04га	4 977 900		А.Дониш кўчаси, 19-мавзёда, 0,02 га	3 581 148	Икки қаватли офис, савдо-маъиший хизмат кўрсатиш ва оёқлашчи мажмуаси
Ширин кўчаси, 24-мавзёда, 0,028га	2 532 920		А.Дониш кўчаси, 12-мавзёда, 0,02 га	3 869 468	Икки қаватли савдо-маъиший хизмат кўрсатиш ва умумий оёқлашчи мажмуаси
Ширин кўчаси, 24-мавзёда, 0,043га	3 457 520		М.Мирзаев кўчаси, 19-мавзёда – учта, ҳар бири 0,04 га дан	3 710 868	Икки қаватли савдо-маъиший хизмат кўрсатиш ва умумий оёқлашчи мажмуаси
Ширин кўчаси, 24-мавзёда, 0,045га	2 317 180		Чимкент йўлида, 0,04 га	5 293 268	Икки қаватли савдо-маъиший хизмат кўрсатиш ва умумий оёқлашчи мажмуаси
Ширин кўчаси, 24-мавзёда, 0,0305га	2 687 020		Мирзаакмалов кўчаси, 8-мавзёда, 0,02 га	3 595 868	Икки қаватли савдо-маъиший хизмат кўрсатиш ва умумий оёқлашчи мажмуаси (муҳандислик тармоқларини қўриши шарт билан)
Ширин кўчаси, 24-мавзёда, 2-та ҳар бири 0,037га, дан	3 087 680		«Хисанбой» дўкони, 2-мавзёда, 0,06 га	3 592 188	Савдо-маъиший хизмат кўрсатиш ва умумий оёқлашчи мажмуаси
Х.Турсунқул кўчасида тўртта ҳар бири 0,015га, дан	3 525 300	Савдо растаси	М.Мирзаев кўчаси, 13-мавзёда, 0,015 га	4 801 068	Икки қаватли савдо-маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (муҳандислик тармоқларини қўриши шарт билан)
Х.Турсунқул кўчаси, 15-17-уйлар оралиғида, 0,05 га	5 598 018	Минимаркет	Г.В.полковник Ҳўжоев кўчасида, 0,03 га	3 432 750	Икки қаватли савдо-маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
25-мавзёда, 0,04 га	4 594 058	Супермаркет	М.Мирзаев кўчаси, 13-мавзёда 0,02 га	6 208 668	Икки қаватли савдо-маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Лутфий кўчасида, 0,07 га	7 171 218	2-қаватли савдо растаси	Тошкент автомобиль-Халқа йўлида – ўн иккита, ҳар бири 0,04 га, дан	4 902 268	Икки қаватли савдо-маъиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қатори
Х.Турсунқул кўчасида, 0,1 га	11 411 268	Супермаркет	Юнусов кўчасида (банк қолдири (уларида) 0,04 га	3 869 468	Икки қаватли дўкон
24-мавзёда, 0,01 га	3 860 268	Минимаркет	Сағбон кўчасида, 0,06 га	8 885 868	Икки қаватли савдо-маъиший хизмат кўрсатиш ва умумий оёқлашчи мажмуалари
24-мавзёда, 0,22 га	20 919 468	Гўзар мажмуаси	Қамарлико кўчасида, 0,05га	5 592 000	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
24-мавзёда, 0,04 га	4 328 268	Маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	Фаробий кўчасида, 0,05 га	30 417 250	Автомобилларга тўқов хизмат кўрсатиш ва қиш мажмуаси
Заргарлик кўчасида	3 717 768		Чилонзор тумани		
- иккита, ҳар бири – 0,02 га дан	8 113 058	Минимаркет ва савдо мажмуаси	Чилонзор дўкони, 3-мавзёда, 0,28 га	20 449 000	Маъиший дам олиш мажмуаси
- 0,08 га дан	5 080 868		Чилонзор дўкони, 19-мавзё, 2-Қаторгон кўчасида иккита ҳар бири 0,012га, дан	3 374 880	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Сайғовбой кўчаси:	3 955 068		Чилонзор дўкони, 10-мавзё, Тахтапўл кўчасида 0,024га	3 349 056	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
- 39-уй ёнида, 0,04 га	3 955 068		1-мавзёда, 0,025 га	3 706 268	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
- 35-уй ёнида, 0,03 га	3 955 068		1-мавзёда, 0,027 га	3 955 508	Савдо дўкони
- 35-уй ёнида, 0,04 га	3 955 068		3-мавзёда, 0,02 га	3 735 018	Савдо дўкони
23-мавзёда, 0,06га	7 907 268	маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	3-мавзёда, 0,036 га	5 625 058	Ёғзи қозонхона
11-мавзёда, 0,03га	3 444 768	маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	16-мавзёда, 0,045 га	6 446 718	Икки қаватли савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (муҳандислик иншоотларини қўриши шарт билан)
Бектемир тумани			16-мавзёда, 0,04 га	5 794 668	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Соловьев кўчасида – олтига, ҳар бири 0,02 га дан	4 074 268	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	16-мавзёда, 0,015 га	3 708 108	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (муҳандислик иншоотларини қўриши шарт билан)
«Сўвчи» дахасида – иккита, ҳар бири 0,06 га дан	5 132 268		«И-24» мавзёсида, 0,018 га	3 608 748	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (қам қувватли электр тармоқини қўриши шарт билан)
Х.Бойқаро кўчасида, 0,02 га	30 754 268	Автомобиллар ювиш шохбўчаси	3-мавзёда, 0,03 га	4 787 268	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (инженер-ларни янгилик мажмуасини қўриши шарт билан)
Тошкент Халқа йўлида, 0,18 га	14 157 468	Мотел, ресторан	С.Юсупов кўчасида – тўртта, ҳар бири 0,018 га дан	2 480 268	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш растаси
Лойқандоғи Г-40,0 м (Ж.Астона) кўчасида, 0,40 га	100 913 468	Суолтиришга қўйилган қўйиш шохбўчаси	Халқа тумани		
Лойқандоғи Г-60,0 м кўчасида, 0,02 га	1 681 000	Савдо дўкони	Шолохов кўчасида 0,007га	2 290 200	Маъиший хизмат кўрсатиш биноси
Оқингирон шох кўчаси, «Сўвчи» дахасида, 0,03 га	5 132 268	Савдо мажмуаси	Қадршоев кўчасида – иккита, ҳар бири 0,04 га, дан	3 408 600	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Бектемир тумани, «Сўвчи» дахасида, 0,015га	1 733 268	Савдо, маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	Шайхонтоҳта тумани		
Мирзо Улугбек тумани			«Жар-Арик» мавзёсида, иккита ҳар бири 0,0108га, дан	2 495 444	Савдо растаси
Х.Абдуллаев кўчасида, 0,025га	5 122 675	Дўкон	«Жар-Арик» кўчасида, савхизта ҳар бири 0,0216га, дан	3 699 687	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Гулсара кўчасида, 0,015 га	4 277 250	Дўкон	Белтепа-Жарарик мавзёларида: 0,04 га	4 759 668	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Лўфғат кўчасида, 0,032 га	3 559 640	Минимаркет	Белтепа-Жарарик мавзёларида: 0,03 га	3 714 318	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Матқобил кўчасида:			Белтепа мавзёси, Тошкент автомобиль-Халқа йўлида, 0,04 га	3 664 868	Икки қаватли савдо дўкони
0,044 га	5 415 628	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	Белтепа мавзёси, Тошкент автомобиль-Халқа йўлида, 0,06 га	5 595 948	Икки қаватли қурилиш моллари дўкони
0,036 га	4 536 108		«Чорсу» мавзёсида, 0,02 га	7 087 268	Оқин савдо дўкони
0,035 га	4 426 168		Есенни ва Вулғун кўчалари қосиқувида, 0,0096 га	3 025 468	Савдо дўкони
0,06 га	7 174 668	Музейлик қозонхона	Сергели тумани		
Темур Малик кўчасида, 0,05 га	31 007 268	Автоювиш шохбўчаси	Чоштепа кўчасида савхизта ҳар бири 0,009га, дан	1 499 265	Хўнривандлар растаси
Қодиров кўчаси, «Форуза» мавзёсида: 0,05 га	4 614 768	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш иншоотлари	Сирғали дахаси, 1-мавзёсида Сергели кўчи, 0,03га	3 411 000	Клие-ресторан
0,06 га	6 175 548		А.Ахметова кўчасида 0,06га	4 491 600	Милъурий бино ва офис
- тўртта, ҳар бири 0,04 га дан	3 807 468		А.Ахметова кўчасида 0,3га	19 230 000	Хўсусий шифона
- учта, ҳар бири 0,07 га дан	6 229 368		А.Ахметова кўчасида 0,18га	3 705 000	Кичик мажмуа
Миробод тумани			Сергели кўчаси, «Сергели» дахаси, 3-мавзёда, 0,054 га	5 012 208	Умумий оёқлашчи мажмуаси ва дўкон
Тошхўжов кўчасида, 0,02га	2 561 600	Минимаркет	«Спутник» дахаси, 10-мавзё, Смоляков кўчасида, 0,08 га	5 576 268	Икки қаватли ошхона ва чойхона
У.Олимов кўчасида, 0,04га	3 509 200	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси	«Қўйлик» дахаси, 5-мавзё, Ким-Ген-Хил кўчаси, 0,01 га	2 832 268	Фабрика ва дўкон
Бектев кўчасида, 0,045га	3 891 000	Каҳрамон	Алави кўчаси, 8 ва 7-мавзёлар оралиғида, 0,015га	2 510 268	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
«Кўйлик-3» мавзёсида, 0,02га	3 432 300	Чойхона (муҳандислик иншоотларидан нақсоти сўқилган ҳолда мажмуа дўконида савдо қилиш шарт билан)	Чўпон ота кўчасида, 0,006га	1 026 618	Дўкон
У.Олимов кўчасида, 0,06 га	5 250 600	Чойхона (муҳандислик иншоотларидан нақсоти сўқилган ҳолда мажмуа дўконида савдо қилиш шарт билан)			
Бектев кўчасида, 0,045 га	31 103 268	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаси қуриш учун (муҳандислик иншоотларини қўриши шарт билан)			
Бектев кўчасида, 0,04 га	4 258 268	Стоматология			
Бектев кўчасида, 0,04 га	4 258 268	Дорихона			
Фират кўчасида, 0,03 га	2 173 200	Савдо дўкони			
Минжар кўчасида, 0,015 га	3 895 068	Икки қаватли минимаркет			
Янгиёзмон кўчасида – иккита, ҳар бири 0,02 га дан	3 588 968	Дўкон ҳамда офис (мажмуа томонидан муҳандислик иншоотларини қўриши шарт билан)			
«Қўйлик» дахаси, 2-мавзёда, 0,20 га	22 796 268	Тўйхона ва гўзар			
Юнусов тумани					
Юнусов дўкони, 19-мавзё, В.Высоцкий кўчасида, 0,04га	5 790 800	Савдо дўкони			
Юнусов дўкони, 18-мавзё, В.Высоцкий кўчасида бишта ҳар бири 0,03га, дан	4 857 000	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси			
Чимкент кўча, йўлида 0,03га	3 921 540	Атёв ва дўкон			
Юнусов дўкони, 15-мавзё, Т.Зоилов кўчасида 0,03га	3 984 420	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси			
Мойкўрғон ва Тилиқов кўчалари қосиқувида 0,03га	2 560 470	Дўкон			
Мойкўрғон ва Хисанбой кўчалари қосиқувида, учта ҳар бири 0,05га, дан	4 215 000	Савдо ва маъиший хизмат кўрсатиш мажмуаси			
Мойкўрғон ва Тилиқов кўчалари қосиқувида 0,10га	6 009 000	Соғломлаштириш мажмуаси			
13-мавзё, А.Дониш кўчасида, 0,06га	6 437 400	Икки қаватли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси			
19-мавзёда, 0,015 га	4 102 443	Савдо-маъиший хизмат кўрсатиш ва оёқлашчи мажмуаси			
«Марказ» дахаси, 5-мавзёда, 0,02 га	10 403 868				

Ер участкаларининг узок муддатли ижарага олиш ҳуқуқининг бошланғич нарҳларига ер участкасининг лойиҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлари тўпламини тайёрлаш харажатлари қўйилган. Ҳужжатлар тўпламига қуйидагилар кириди:

1. Ер участкасининг чегараси;
 2. Меъморий-лоиҳа вазифалари АПЗ-I, АПЗ- II;
 3. Топографик сьемка, масштаб 1:500;
 4. Муҳандислик- геологик ҳулоса;
 5. Шаҳарсозлик талаблари ва қуриладиган бино эскизи.
- Аукцион савдоларида қатнашадиган учун аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдодан бир кун аввал соат 18-00да, қолган объектлар учун савдодан бир соат аввал тўхта-

тилади. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

Савдода қатнашиш истатини билдирган талабгорлар ер участкалари учун бошланғич нарҳидан 5% микдориди, қолган объектлар учун бошланғич нарҳидан 10% микдоридида зақалат пулини «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойкамфармабон» Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

«ROYTAXT AUKSION» ДУК томонидан 2004 йил 15,19,26 октябрь кунлари ўтказилган аукцион савдоларида қуйида-

ги объектлар сотилганлигини маълум қилади:

Тошкент шаҳрида жойлашган ер участкаларининг узок муддатли ижара ҳуқуқи

— Мирзо Улугбек тумани, Х.Абдуллаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,0784 га бўлган, супермаркет қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узок муддатли ижара ҳуқуқи 7 500 000 сўмга;

— Собир Раҳимов тумани, Сағбон кўчасида жойлашган, сатҳи 0,06 га бўлган икки қаватли савдо-маъиший хизмат кўрсатиш, умумий оёқлашчи мажмуаси қуриш учун мўлжалланган 1-сон ер участкасининг узок муддатли ижара ҳуқуқи 13 000 000 сўмга;

Давоми В-бетда.

Спорт

НАФОСАТ
СОҲИБАЛАРИ
МАҲОРАТ
КЎРСАТИШДИ

Шаҳримизда бадий гимнастика бўйича «Шарқ гўзали — 2004» жaxon Кубоги босқичининг ўтказилганлиги, унда курраи заминнинг кўплаб кучли гимнастикачилари катта маҳорат кўрсатишганига узоқ вақт ўтгани йўқ.

Кунга кеча Фарғонада ана шу нафис ва жозибали спорт тури — бадий гимнастика бўйича ўтказилган Ўзбекистон кубоги бахсларида ишқибозлар чиройли ҳаракатлар, бетакор комбинацияларининг яна бир бор шохиди бўлишди. Кубок бахсларида республикамизнинг олти вилоятдан келган 40 нафар энг кучли гимнастика усталари учта йўналиш — спорт усталари ва усталикка номзодлар ўртасида кўпкураш ҳамда алоҳида предметлар бўйича ўзаро куч синашилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, нуфузли мусобақаларда ҳамшаҳарларимиз муваффақиятли қатнашиб, медаллар шодасини қўлга киритишди.

Жумладан, спорт усталари ўртасида ўтказилган кўпкураш бахсларида «Шарқ гўзали — 2004» жaxon Кубоги босқичи иштирокчилари Олеся Ашаева ва Маргарита Алимовалар ўзларининг энг кучли спортчилар сирасига киришларини яна бир карра исботлашди. Бунда хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасига О.Ашаева кўтарилган бўлса, М.Алимовага фахрли учинчи ўрин насиб этди.

Спорт усталигига номзодлар ўртасида ўтказилган кўпкураш мусобақаларида эса пойтахтлик Алиса Ажмирова учинчи ўринни эгаллади.

Олеся Ашаева, шунингдек тўп ва обрўч бўйича машқларда ғолиблик нашидасини сурган бўлса, унинг асосий рақиблари бўлмиш навоийлик спортчилар Анастасия Берестецкая, Ульяна Трофимова, Жамила Рахматовалар булава ва лента, аргамчи ва булава, тўп ва лента машқларида зафар кучишди. (Ўз мухбиримиз)

«Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси жамоаси «Автомобилчи» болаларини соғломлаштириш оромгоҳи директори Мухамед Хадиевага падари бузруквори

**Вали Рафиқович
ХОДИЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси Носир Мирзаевич Набиева отаси

**Мирза Маликович
НАБИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Давоми. Боши 7-бетда.

— Юнусобод тумани, Ж.Обидова ва Г.Мавлонова кўчалари кесилишда жойлашган, сатҳи 0,03га бўлган, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи 5 800 000 сўмга;

— Акмал Икромов тумани, Заргарлик кўчасида жойлашган, сатҳи 0,08 га бўлган, мини-маркет ва савдо мажмуаси қуриш учун мўлжалланган 1-сон ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи 9 900 000 сўмга;

— Акмал Икромов тумани, Сегизбоев кўчаси, 27-уй ёнида жойлашган, сатҳи 0,06 га бўлган, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбаси қуриш учун мўлжалланган ер участ-

ткасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи 9 100 000 сўмга;

— Сергели тумани, Янги Сергели кўчасида жойлашган, сатҳи 0,12 га. бўлган офис қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи 10 000 000 сўмга;

— Собир Раҳимов тумани, Сағбон ва Зиёмов кўчалари бурчагида жойлашган, сатҳи 0,20 га бўлган савдо-маиший, умумий овқатланиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи 25 000 000 сўмга;

Ўзб. Респ. Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг:

- д/р 10 ТН 363 бўлган «Тико» русумли авто-воситаси 2 600 000 сўмга;

- д/р 10 ТН 364 бўлган «Тико» русумли авто-воситаси 2 600 000 сўмга;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Савдо бошқармаси автокорхонасининг:

- д/р 33-18 ТШ бўлган МА3-5335 русумли авто-воситаси 2 000 000 сўмга;

- д/р 33-34 ТШ бўлган УАЗ-33031-01 русумли авто-воситаси 420 000 сўмга;

- д/р 33-24 ТШ бўлган МА3-53371 русумли авто-воситаси 1 400 000 сўмга;

- д/р 33-03 ТШ бўлган КАМАЗ-53212 русумли авто-воситаси 1 700 000 сўмга;

- д/р 33-29 ТШ бўлган ЗА3-968-М русумли авто-воситаси 210 000 сўмга;

Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 1-«Б» уйда жойлашган «МБ-Механизатор» ОАЖнинг бино ва иншоотлари мол-мулкларини билан 205 000 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИ,

Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари К енгаш,

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими
ОШПАЗЛАР, ҚАНДОЛАТЧИЛАР ВА ОФИЦИАНТЛАР
ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ

Халқимизнинг энг яхши миллий анъаналарини қайта тиклаш, умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг касб савиясини ошириш мақсадида Тошкент шаҳрида умумий овқатланиш соҳаси мутахассисларининг шаҳар танлови ўтказилади.

Танлов ғолиблари қимматбаҳо мукофотлар ва Республика кўрик-танловида қатнашишга йўлланма оладилар. Ғолиб деб топилган моҳир касб эгалари эса халқаро танловларда қатнашадилар.

Туман ва шаҳар танловлари ноябрь-декабрь ойларида, республика танлови эса март ойида ўтказилади.

Танловда иштирок этмоқчи бўлган мутахассислардан аризалар 2004 йил 13 ноябргача туманлар бошқармалари ва шаҳар Савдо департаментининг ташкилий қўмиталарида қабул қилинади (корхонанинг жойлашган манзили бўйича).

А.Икромов — 117-48-57, 74-16-71, 74-63-51

Бектемир — 195-16-29, 195-04-07

Миробод — 54-95-02, 133-29-25

М.Улуғбек — 68-14-67, 67-19-34, 67-84-98

С.Раҳимов — 29-05-94, 46-61-76, 46-65-07

Сергели — 57-14-96, 57-39-93, 58-65-98

Чилонзор — 173-15-02

Ҳамза — 96-98-55, 96-12-61

Шайхонтоҳур — 148-14-64, 148-14-25

Юнусобод — 137-54-11, 134-51-60

Яккасарой — 54-79-38

Тошкент шаҳар Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси Департаменти,

33-хона, тел.: 133-68-57, 133-21-23

Манзил: Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй,

Танлов шарти: танлов иштирокчиларининг ёшлари чегараланмаган. Танловда қатнашиш бепул.

Давлат божхона қўмитаси контейнер типидagi
уйчаларни харид этиш учун танлов эълон қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 120-76-60;

Коммутатор: 120-76-00; ички: 26-11, 26-08.

Таклифлар эълон матни чиққан кундан бошлаб 10 кун муддат ичида қабул қилинади.

Футбол

ШАҲРИМИЗ
ЖАМОАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Мамлакатимизнинг олти шаҳрида XII миллий чемпионатнинг 23-тур беллашувлари бўлиб ўтди.

Жорий йилги мавсумда чемпионатда анча муваффақиятли иштирок этиб муҳлисларига сермазмун ўйинларни туҳфа қилаётган «Трактор» жамоаси ўшбу турда олий лиганинг янги вакили «Локомотив» футболчилари билан ўзаро куч синашди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирда «Трактор» турнир жадвалининг бешинчи поғонасида бораётган бўлса, шаҳримизнинг янги жамоаси «Локомотив» ҳам анча сермазмун ўйин намойиш этиб, кучли олтиликдан ўрин олишга интиломда. Шу боис ҳам пойтахтлик икки жамоа баҳси шиддатли кечиши тахмин қилинганди.

Дарҳақиқат, анча қизиқарли кечган баҳс муҳлисларни зериктириб қўймагани аниқ. Чунки шу кунги дарвозалар ҳар икки жамоа футболчилари томонидан тўрт мартаба ишғол этилди. Тажриба, маҳорат босида меҳмонлардан устунлик қилган «Трактор» жамоаси беллашувда 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Муҳлисларга қувончли дақиқаларни ҳада этган ўртоқлари дарвозага «Трактор»дан Айзатулов, Раҳимов, Урмонов, «Локомотив»дан Барановлар йўллашди.

Қолган учрашувлар қуйдагича якунланди: «Насаф»-«Андижон»-8:1, «Навбахор»-«Нефтчи»-1:1, «Самарқанд»-«Динамо»-«Машъал»-1:0, «Сўғдиёна»-«Металлург»-1:0, «Бухоро»-«Сурхон»-3:1.

Навбатдаги 24-тур беллашувлари 5 ноябрь кунини бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Қаҳқаҳа

Хотинининг хархашаларидан безор бўлган Сукрот ахйри чиқолмай, шундай деди:

— Жонгинам, тўйимиз олдилан «Сенинг қўлингдан бир қадаҳ заҳар ичишга ҳам тайёрман» деган эдим. Лекин бу қадаҳни ҳар кунни уч марта нонушта, тушлик ва кечки овқатда сипқораман, деб сира уйламагандим.

Европа бўйлаб ўтаётган гастроль сафарларидан бирида мухбирларни Шалыпиннинг хизматкорларидан бири кутиб олди-да:

— Фёдор Иванович ҳозир бандлар. Сизнинг барча саволларингизга мен жавоб бераман, — деди.

— Шалыпиннинг келгусидаги режалари қандай? — сўради бир музика танқидчиси.

— Биз яқинда Миланга сафар қиламиз, «Ла Скала»да Мефистофелни ижро этамиз, сўнгра Лондонда қирол шарафига концерт берамиз, кейин...

Шу пайт қўшни хонадан Шалыпиннинг овози янгради.

— Жуда соз, Пётр. Аммо мени ҳам олиб кетишни унутма.

Машҳур италян санъаткорлари Артуро Тосканини ҳамда Пьетро Масканыларни Верди хотирасига бағишланган музика фестивалига таклиф қилишди. Тосканини шухратига ҳасад қилувчи Пьетро Маскани бир шарт билан бу таклифга рози бўлди.

— Гонорарим бир лира бўлса ҳам уникидан ортиқ бўлсин, — деди у. Фестивални ўтказиш комитети унинг шартига рози бўлди.

Қизиги шундаки, ҳисоб-китоб вақтида қўлига бор-йўғи бир лира пул теккан Маскани ҳайратдан ҳанг-манг бўлиб қолди.

Маълум бўлишича, Тосканини фестивалда бепул дирижёрлик қилган экан.

Таниқли рус композитори Александр Бородин хотини билан чет эл сафарига йўл олди. Чегарала паспорт текшираётган амалдор Бородиндан хотинининг исмини сўради. Ҳаёли фаромушлиги билан ном чиқарган Бородин хотинининг исмини эслаб олмади. Худди шу пайт хонага рафиқаси Екатерина Сергеевна кириб қолди. Бородин унинг ёнига югуриб бори-да:

— Катя! Худо ҳаққи, исмининг нима эди? Айтиб юбор! — деб хитоб қилди.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70,
эълонлар
133-28-95, 133-11-39,
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет
усулида босилади.
2680 нусxada босилади. Қўғиш бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент
почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишнингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер
марказида терилиди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41-уй.